Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 10-sentabr, seshanba № 111 (3304)

## Ўзбекистон — Хитой:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 8 сентябр куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 9 сентябр куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга илк давлат ташрифига икки томонлама муносабатлардаги тарихий воқеа, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг яна бир кўриниши сифатида қаралишини таъкидлади.

Си Цзиньпин икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига юксак баҳо берди, Хитой ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатлари ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июн ойида Хитойга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши ташрифнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташриф якунида 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда икки мамлакат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тобора кенгайтириб келмоқда.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иккала мамлакатнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин эканлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучлар ўртасида муросага эришиш бу борадаги ягона тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон Хитой билан муносабатларни барча соҳаларда ривожлантириш, айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст, яқин қўшни ва стратегик ҳамкор сифатида қарашини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил мобайнида икки томонлама алоқалар изчил суръатда ривожланиб келаётир. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан натижаларга эришилди, бир қатор йирик қўшма инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

ХХР Раиси Хитой олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этмоқда. 2004-2013 йилларда Ўзбекистон ва Хитой ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 10 маротаба сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

2011 йилнинг октябр ойида Пекинда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича олти қуйи қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Фаол алоқалар, жумладан, БМТ, ШҲТ доирасида долзарб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пекин Ўрта Осиёда экологик мувозанатни бузиши мумкин бўлган гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмасликка оид позициясини тасдиқлади, минтақадаги трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойни ҳудудий яхлитлик, «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида доим қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг устувор мақсадли вазифалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид истиқболли масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитой билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади.

Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, кейинги беш йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошди. 2007 йилда бу кўрсаткич 904 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3,4 миллиардга етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўп демакдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган нохомашё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Бугун томонлар турли лойиҳалар, аввалaмбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 455 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 71 компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

2002 йилдан бошлаб Хитой инвестициялари ва кредитлари иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард доллар бўлган 83 инвестиция лойиҳаси, шу жумладан, 5,75 миллиард доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган 52 лойиҳа, 992,4 миллион долларлик имтиёзли кредитлар йўналтирилган 31 лойиҳа амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июн ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ҳужжатлар имзоланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон 2011 йилда ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Жорий йилнинг март ойида ушбу парк «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Мазкур паркнинг Сирдарё вилоятида филиали бўлади. Июн ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу ташриф давомида Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш орқали мазкур парк ҳудудида юқори технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очиш бўйича 14 келишувга эришилди.

Бир қатор Хитой компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефт-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газкимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

*(Давоми 2-саҳифада).*

## Янгиликлар оқимидан

### ЖИЗЗАХ

**Мамлакатимизнинг Олий ҳарбий билим юртларида курсантларнинг юрт тинчлиги, халқ осойишталиги йўлида доимо ҳушёр ва сергак туриб, Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асрашга тантанали ҳарбий қасамёд қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

## Қасамёд

Ватанимиз сарҳадларини ҳимоялашдек шарафли ишда Жиззах Олий ҳарбий Авиация билим юртининг ўз ўрни ва салоҳияти бор.

— Мен бугун халқимга, Президентимга ҳамиша содиқ бўлиш учун ҳарбий қасамёд қабул қилдим, — дейди ғурур билан курсант А.Акбаров. — Ҳарбий учувчи бўлишдек орзуим ушалаётганидан мамнунман.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### НАМАНГАН

**Наманган тумани Ғалча қишлоғида «Малика холис сервис» масъулияти чекланган жамиятининг полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги линияси иш бошлади.**

## Замонавий корхона

Замонавий технологиялар асосида кунига 20 минг дона қоп тайёрлаш қувватига эга цехни барпо этишда «Агробанк» туман бўлимининг бир миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағи жалб этилди. Қишлоқдаги фойдаланилмай ётган иншоот қайта таъмирланиб, 527 минг АҚШ доллари қийматига тенг технологик ускуналар билан жиҳозланди.

Янги цехда қишлоқ ёшларидан 50 нафари иш билан таъминланди.

**ЎзА**

### СИРДАРЁ

**Жорий йилда Сирдарё вилоятида 100 дан зиёд янги объект ва иншоотлар барпо этилди.**

## Байрамга тўёна

Байрам арафасида Гулистон шаҳрида «Милана Д», Янгиер шаҳрида «Суперкимётекс», «Суперидеал» корхоналари ҳамда Оқолтин туманида «Сардобатекстил» қўшма корхонасига қарашли тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Шунингдек, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 10 га яқин пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### ФАРҒОНА

**Фарғона шаҳар Сойбўйи маҳалласи болажонларининг қувончи чексиз. Хусусий тадбиркор Исломбек Назаров саъй-ҳаракати билан банкдан олинган кредит маблағи ҳисобига ҳудудда 3 та минифутбол майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди.**

## Сойбўйида

«Ором» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа шарофати билан 10 та иш ўрни яратилди.

Футбол майдончаларига хориж технологияси асосида сунъий қоплама тўшалган бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ундан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, болаларга завқ-шавқ улашувчи ўйин майдончалари, фаввора, қаҳвахона, музқаймоқ дўкончаси, расмхона ишга туширилди. Ташкилотчилар томонидан маҳалла болаларига спорт анжомлари совға қилинди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### Спорт

**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар ва катталар ўртасида пенчак силат бўйича «Ўзбекистон опен — 2013» халқаро турнири бошланди.**



## Халқаро турнир бошланди

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Пенчак силат федерацияси томонидан илк маротаба ўтказилаётган ушбу мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Малайзия, Сингапур, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон спортчилари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спортчилари 2009 йили Таиландда ўтказилган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ва Ветнамдаги Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида пенчак силат бўйича жами тўртта бронза медални қўлга киритган. 2010 йили Индонезияда ўтган жаҳон чемпионатида ўзбек қизлари — Шаҳноза Раҳматуллаева ҳамда Шаҳноза Хўжаниёзова шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилган. Украинада ўтказилган жаҳон кубогида эса Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бошланган «Ўзбекистон опен — 2013» халқаро турнирида 300 нафарга яқин спортчи пенчак силатнинг икки йўналиши — комплекс машқ бажариш ва яккама-якка беллашув бўйича ўзаро куч синашмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**М.АМИН (ЎзА) олган сурат**

### Тозалик, озодалик — саломатлик гарови

## Болалар шодлиги бир олам

**Истиқлол йилларида болалар манфаатлари ҳимояси, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Амалга оширилаётган тизимли ишлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Натижада, бу борадаги ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.**

**Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинмоқда. «Касаба уюшмалари — болаларга» доимий акцияси доирасида эса эртамиз эгалари ижтимоий ҳимояси таъминланиб, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.**

**Мустақиллик байрами ва Билимлар кунига бағишлаб иккинчи йил ўтказилаётган «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирида Республикамизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг 1-синфига борган ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи омиллари тарғиб этилиб, улар учун шахсий гигиена воситалари тўплами, эслатма материаллар ҳадя этилди. Бир сўз билан айтганда, болажонлар доимо озода ва тартибли бўлиш юзасидан дастлабки кўникмаларни ҳосил қилдилар.**

**Мухбирларимиз ва фаолларимиз ушбу тадбир ҳақида ҳикоя қиладилар:**



**Наманган.** Бир неча кун аввал мактабга қадам қўйган болаларнинг бийрон-бийрон шеър айтаётганини кўриб завқимиз келади. Улардан бири — қопқора кўзларини катта-катта очиб, қўлларини актёрларга тақлидан кенг ёйганча шеър ўқиган болакайнинг қуйидаги сатрлари хаёлимда айлана бошлади: «Биз сенинг ишончинг оқлаймиз, Ватан!» Шаҳд билан ваъда бераётган, бу аҳдига, энг аввало, ўзи қаттиқ ишонган болажонларни яхши кўрмай бўладими?! Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида келажагимиз бунёдкорларига мўлжалланган қатор акцияларнинг амалга оширилаётгани ҳам шу улуғвор мақсад йўлидаги ҳаракатлардандир.

*(Давоми 2-саҳифада).*

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

## Депутат минбари

**Ўзбекистон танлаган давлат ва жамият қурилиши модели асосида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб бориш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда.**

**Бу вазифани самарали ечиш учун фуқаролик жамияти институтларининг бутун бир тизимини янада ривожлантиришга, уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талаблари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**

**Сафида 5300 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) мавжуд бўлган фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига, шунингдек, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлаш воситаларидан бирига айланмоқда. Улар фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, ҳуқуқий ва экологик маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда.**

# Жамоатчилик экологик назорати

## уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари жамоатчилик экологик назорати институтини шакллантириш ва ривожлантиришга, табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмларни жорий этишга, табиий ресурсларни, шу жумладан, фауна ва флорани бошқариш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришга, шунингдек, санитар-эпидемиологик назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш ва кучайтиришга, экологик экспертиза ўтказиш тартиби ва тартиботини такомиллаштиришга ҳамда жамоат экспертизаси ролини оширишга қаратилган янги қонун лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Бу жараёнларга фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида ННТнинг роли ва ўрнини аниқлашга, ННТ, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқароларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, давлат дастурларига риоя этилиши устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилиши жамоатчилик назорати принципини рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.



Ушбу Қонунда атроф-муҳитнинг ифлосланишига, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни огоҳлантириш, кузатиб боришга қаратилган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш соҳасида жамоатчилик назорати тизимини яратиш ҳамда атроф-муҳит омилларининг ҳозирги ва келгуси авлодлар соғлиғига салбий таъсири олдини олиш назарда тутилган. Фуқаролик жамияти институтлари (ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, ОАВ) ва фуқаролар жамоатчилик экологик назоратининг субъекти сифатида белгиланган.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг аниқ процессуал механизми мустаҳкамланмоқда, уни ташкил этиш ва амалга оширишнинг тартиби белгиланмоқда, шунингдек, жамоатчилик экологик назорати услублари, шакллари ҳамда натижаларини расмийлаштириш усуллари ўрнатилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан бир қаторда экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар сифатида, яъни жамоатчилик экологик назорати субъекти сифатида мустаҳкамлаб қўйилаётганлиги мазкур Қонуннинг янгиликларидан бири ҳисобланади. Бунда жамоатчилик экологик назорати экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари (улар томонидан идоравий экологик назорат амалга оширилаётганда) ҳамда юридик шахслар (улар томонидан ишлаб чиқариш экологик назорати амалга оширилаётганда) билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Хўжалик ва бошқа фаолият таъсирида атроф-муҳит ва унинг ўзгариши ҳолатини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликка риоя этилишини кузатиш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсир билан боғлиқ бўлган хўжалик ва бошқа фаолият объектларида давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш чоғида кузатувчи сифатида иштирок этиш орқали жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Экологик назоратнинг бошқа турларида иштирок этиш жараёнида олинган натижалар, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги статистик маълумотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш усуллари сифатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий сўров, жамоат эшитуви ва жамоатчилик экологик экспертизаси ўтказиш ҳамда махсус «Ишонч телефони»ни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш фуқаролик жамияти институтларини, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини жамоатчилик экологик назорати, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий сўров ва жамоат эшитуви, жамоатчилик экологик экспертизаси натижалари ҳақида хабардор қилиш ҳамда уларга аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш ва қарорлар қабул қилиш бўйича тавсиялар киритиш орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш шакли сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга таклиф киритиш, атроф табиий муҳитга, фуқароларнинг соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зиён етказаётган экологик жиҳатдан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи мансабдор шахслар ва фуқароларни жавобгарликка тортиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасидаги янгиликлардан яна бири шундаки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғинлари) қошида экологик назорат жамоатчи инспекторлари институти киритилмоқда. Уларга юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан кузатувни амалга ошириш, фуқароларда атроф-муҳитга ва табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялаш бўйича ишларни амалга ошириш ва бошқа ваколатлар берилмоқда. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик назорат жамоатчи инспектори тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳолда экологик назорат жамоатчи инспекторлари институтини шакллантиради ҳамда уларга ташкилий-амалий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатига, ўзининг Устав вазифалари ва дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва ўтказишда, экологик назорат жамоатчи инспекторлари институтини шакллантиришда, шунингдек, уларнинг ўқувини ташкил этишда зарур услубий ёрдам кўрсатиш юклатилмоқда.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва рўёбга чиқарилиши ННТ ва бошқа жамоат бирлашмаларининг обрўйини мустаҳкамлашга, таъсирчан экологик назоратни амалга оширишда улар иштирокини фаоллаштириш ва ролини кучайтиришга, назорат фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизми яратилишига, экологик назоратни амалга оширувчи субъектларнинг ваколатларининг аниқ белгиланишига хизмат қилади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари**

## Касаба уюшма тадбири

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгашида истиқлолнинг 22 йиллиги муносабати билан «22 устоз учрашуви» деб номланган тадбир ташкил этилди. Тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатган 22 нафар устоз ва фахрийлар таклиф қилиниб, уларга эсдалик совғалари топширилди.**

## 22 устоз учрашуви

Байрам тадбирида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутасаддилари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди.

**У.РАЖАБОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгаши раиси**

## Давра суҳбати

**Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан «Ўзбектелеком» АК Навоий филиали касаба уюшмаси, А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

У Маънавият тарғибот маркази Навоий шаҳар бўлими раҳбари Ў.Жўраевнинг маърузаси билан бошланди. Суҳбат асноси Ж.Бобомуродова ва Ҳ.Нарзиева аждодларимиздан мерос юртни асраш, ёшларимизни турли ёт ғоялардан ҳимоялаш, мустақилликнинг қадрига етиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

**Муҳаббат НОРҚУЛОВА,**
**«Ўзбектелеком» АК Навоий филиали касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Эъзоз

**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўз соҳасининг фидойисига айланган отахону онахонлар эъзозланиб, уларга касаба уюшмасининг байрам совғалари тақдим этилди.**



«Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг республика босқичи совриндорларининг мусиқали чиқишлари серфайз даврага байрамона кайфият улашди.

Соҳа фидойилари, болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумида фаоллик кўрсатган ташкилотчилар, оромгоҳлар ходимлари, велоспорт бўйича республикада ўтказилган эркаклар ўртасидаги мусобақада вилоят шарафини ҳимоя қилган спортчиларга махсус совға, ташаккурнома ҳамда дилга ажиб ифор улашгувчи гуллар тақдим этилди.

— Жасорат тугаган куни қарилик бошланади, дейишади. Агар шу гап ҳақ бўлса, касаба уюшма ташкилоти билан ҳаёти боғланган инсон борки, ҳеч қачон қаримайди, — деди касаба уюшма фахрийси Роза Деҳқонова. — Энг катта савоб кўнгилни қувнатиш ҳисобланса, бирлашма ходимлари бизни қўшалоқ туҳфалар билан яшартириб юборишди. Кўзда нур, билакда кучимиз бор экан, биз ҳам ватанимиз учун наф келтиришга интилаверамиз.

**Д.РАҲМОНОВА**




# Курсда қолдириш

## Бу қандай амалга оширилади?

**Таҳририятимизга йўлланган саволлар орасида мамлакатимиз таълим соҳасидаги меҳнат ва бошқа муносабатларга оидлари ҳам талайгина. Уларга батафсил жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юристконсулти Дилбар Муҳамедалиевага мурожаат қилдик.**



**Савол: Фарзандим коллежнинг 2-курсида ўқир эди. Имтиҳонларни яхши топшира олмаганлиги туфайли шу курсда қайта ўқиши ҳақида хабар эшитдик. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг 2013 йил 11 мартдаги 62/1-сон буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг II боб, 5-6-бандларига мувофиқ, ўқувчиларни бир йил такроран ўқитиш учун курсда қолдириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- академик қарздорликка (ўзлаштирилмасликка) эга бўлганда;
- ишлаб чиқариш ёки диплом олди амалиётларидан ўтмаганда;
- курс ишини топширмаганда;
- 3 ва ундан ортиқ фан бўйича «қониқарсиз» якуний йиллик баҳо олганда.

Ҳар бир гуруҳ раҳбари томонидан курсларни тамомлаш якунлари бўйича академик қарздорликка (ўзлаштирилмасликка) эга бўлган, ишлаб чиқариш ёки диплом олди амалиётларидан ўтмаган, курс ишини топширмаган ҳамда 3 ва ундан ортиқ фан бўйича «қониқарсиз» якуний йиллик баҳо олган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

●——●——●

**Савол: Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг архитектура факултети 3-босқич талабасиман. Олий таълим муассасаларида белгиланган контракт тўловлари қиймати қайси ҳужжат асосида белгиланади? Бу йил қанча тўловни амалга оширишим керак?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2013-2014 ўқув йили учун Республика олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битта талабанинг бир йиллик ўқиш қиймати белгиланган. Унга мувофиқ, сиз таҳсил олаётган факултетга 2013-2014 ўқув йили учун шартнома тўлови 5400,0 минг сўм деб белгиланган.

**Савол: I гуруҳ ногирониман. Таълим муассасасига ишга жойлашсам, менга ёрдамчи берилиши меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сонли қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори тасдиқланган. Ушбу классификация жадвалининг 6519-ўринда «Ўқувчи-котиб» (секретар-чтец) лавозими мавжуд бўлиб, коди — 4115). Талаб қилинадиган маълумотнинг энг кам даражаси ўрта махсус касб-ҳунар мутахассислиги.

Юқоридагиларни инобатга олиб, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилишингиз ва ушбу қонуний ҳуқуқларингиздан фойдаланишингиз мумкин.

**Савол: Халқ таълими тизимида кадрлар сифатини ошириш, янги лавозимларга тайинлаш масалаларида касаба уюшмасининг иштирокига оид янги қабул қилинган ҳужжатлар мавжудми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 15 майдаги 167-сонли «Халқ таълими вазирлиги лавозимлар номенклатурасининг янги таҳрири ва вазирлик тизимидаги раҳбар кадрлар захирасини яратиш тартиби тўғрисидаги Дастурни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг 7-иловаси «Раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш маҳаллий ҳокимлик, халқ таълими бошқарув идоралари, тажрибали педагоглар, жамоат ташкилотлари ва касаба уюшмалари вакилларидан иборат жамоатчилик маслаҳат кенгаши тартиби» деб номланади. Шунга мувофиқ, маслаҳат кенгаши таркибига ҳудудларда касаба уюшма вакиллари киритилиши лозим.

●——●——●

**Савол: 12 ёшли ўғлим сузишга қизиқади. Ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун қаерга мурожаат қилсам бўлади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Чироқчи хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи томонидан **Келдиёрова Зарина Ғаппаровна** номига берилган **№ 2425179** рақамли диплом йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Марказий кенгашнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаевага синглиси

**МАЪСУДАХОН опа**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгаши раиси Насиба Шариповага онаси

**АДОЛАТ момо**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2013-yil 10-sentabr № 111 (3304)



# Чет тилидан илк сабоқлар

Қашқадарё вилоятида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Буни Қарши шаҳрида «Шўртангазкимё» мажмуаси тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда кичкинтойларга инглиз тили машғулотлари замонавий педагогик технологиялар ва қизиқарли интерфаол ўйинлардан унумли фойдаланган ҳолда ўтказилаётгани ўз самарасини бермоқда.

***Суратда:*** *инглиз тили фани ўқитувчиси Шаҳноза Нурдавлатова тарбияланувчилар билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## Мулоҳаза

**Буюк физик олим Исаак Нютон кашф этган қонун бор: ҳар қандай жисмга бошқа жисмлар таъсир қилмагунча у ўзининг тўғри чизиқли ҳаракатини ёки тинч ҳолатини сақлайди. Инсон ҳаёти ҳам шундай, назаримизда. Ким биландир учрашиш, кимнингдир насиҳати ҳаётимизда муайян бурилишлар ясайди.**

# Бурилиш

Ҳаммада ҳам бир оз бўлса-да, ўжарлик, ўзбилармонлик бўлади. Шулар қаторида камина ҳам ўзимга тегишли масалаларда мустақил қарор қабул қилишга интилардим. Бир кун парисифат бувим ёнларига чақириб шундай дедилар: «Отамнинг 4 қизи бор эди. Бўйимиз етиб қолганда, насиҳат қилдилар: «Қизларим, ҳадемай сизларни турмушга бераман. Агар сиз биласиз, ота, десангиз, бахтли бўласиз. Агар ўзим биламан, менинг айтганим тўғри десангиз, қоқиласиз». У кишининг гапини қулоғимизга қуйиб, бахтли бўлдик». Бувимнинг гаплари қаттиқ таъсир қилди. Шундан сўнг қандай масала бўлмасин, уйдагилар билан, катталар, кўпни кўрган инсонлар билан маслаҳатлашадиган, фикрларига қулоқ тутадиган бўлдим.

Мени жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилган яна бир воқеа янги иш жойига келганимда содир бўлди. Бу ерда раҳбаримиз ходимларга тез-тез танбеҳ берар, дашномлари гоҳида ҳаддан ортарди. У кишини тушунишга қийналар, иш бор жойда хато бор-да, шунчалик жиғибийрон бўлиш, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнаш шартмикан, деб ўйлардим. Бир кун раҳбаримизнинг ўзи гап очиб қолди: «Аёллар нега капкирни қозонга уриб ковлайди? Пиёз гўштга, гўшт сабзига, сабзи қолган масаллиққа аралашиб кетиши, пировардида таом мазали бўлиши учун. Бошлиқ ҳам ходимлар бир-бирига аралашиб кетиши, ишда унум бўлиши учун бақиради-чақиради, танбеҳ беради, буюради. Ишхона ҳам бир қозон аслида. Уни кимдир вақт-бемаҳал ковлаб турмаса бўлмайди». Раҳбаримизнинг хатти-ҳаракатини оқлагим келмаса-да, у айтган гаплар ҳақиқат эканини рад этолмадим. Оилада, ишда яхши бир йўлбошчи, бошлиқ бўлиши, унга эса қўл остидагилар бўйсуниши (кўр-кўрона эмас, албатта) керак экан.

— Бизнинг зуваламиз пишиқ эмас-да, — ёши каттароқ ҳамкасбимиз гап бошлади бир кун. — Кулол лой зуваласини обдон пишитмаса, ундан санъат асари ярата олмайди, кўзаси жарангламайди. Шу сабаб кулол лойни муштлайди, тепади, тайёр бўлганини синаш учун уни сиқиб кўради. Бошда лойқа сув тушади. Бора-бора тип-тиниқ сув сирқиб тушади. Бу лойнинг тайёр бўлганидан далолат беради. Худди шундай сиз — ёш ходимларга, умуман, ёшларга кўп нарсани ўргатиш, пишитиш, катта ҳаётга тайёрлаш керак. Бизнинг даккиларимиз сабаби асли шунда.

Олий маълумотли, хорижий тилларни, техникани биладиган ёшлар ҳар қандай ишни бажара олади, деб ўйлар эдим. Энди билсам, ўқув юртида эгалланган билимларнинг ўзи етарли бўлмас экан. Ҳаёт сабоқларини ўрганиш, ёши улуғларнинг насиҳатига қулоқ осиш лозим бўларкан. Ёшларга насиҳат ёқмайди, дейишади. Бу гапда жон бор. Аммо биз учун зерикарли туюладиган ана шу насиҳатларсиз кўп қоқилишимиз, адашишимиз турган гап.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА**

## Велоспорт

**Велоспорт бўйича аёллар ва эркаклар ўртасида «Ўзбекистон кубоги — 2013», шунингдек, ёшлар орасида Республика чемпионати беллашувлари якунига етди.**

# Кучлилар саралaнди



Мусобақаларда Сирдарё, Тошкент, Наманган ҳамда пойтахтимиздан элликдан ортиқ велоспортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Иштирокчилар 500 ва 1000 метр, 4 км. ҳамда жамоавий пойгаларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Юқори малакали (элит) велоспортчилар орасида юртимизнинг кўп карра чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Владимир Тўйчиев (Тошкент шаҳри) марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Сирдарё вилояти шарафини ҳимоя қилган Вадим Шаеховга иккинчи ўрин насиб этди. Яна бир пойтахт вакили Руслан Фёдоров ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Аёллар ўртасида Тошкент шаҳри вакилларининг устунлиги яққол сезилиб турди. Олга Дробишева, Александра Охват, Алла Безуглова шоҳсупанинг юқори уч поғонасига кўтарилди.

Вакилларимиз учун мазкур мусобақалар жорий йилнинг октябр ойида Таиланд ва Эронда ташкил этиладиган Осиё кубоги баҳсларига тайёргарлик вазифасини ўтади.

**Алена САПАРОВА,
Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси**

## Совға танлаганда

**Туғилган кун муносабати билан қизалоққа ажойиб қўғирчоқ совға қилишди. Қўғирчоқнинг сочлари қўнғир, жингалакка мойил, устидаги либоси ҳам у ёқтирган — зангори рангда. Қизалоқ қувончини яширолмай яқинларига раҳмат айтди.**

# Муҳими, меҳр ва эътибор

Донишмандлар, болаликнинг энг катта эҳтиёжларидан бири — дунёни қай доирада тасаввур қилишида деб, таъриф беришади. Бу эҳтиёжни қондириш фақат катталар кўмаги билан амалга ошиши эса ўз-ўзидан тушунарлидир.

Бола шахсий менини ривожлантириш, хотира, тафаккур доирасини кенгайтиришда танланган совғанинг ўрни беқиёс эканлигини психологлар ҳам таъкидлашади.

Бу турли давлатларда ҳар хил таҳлил қилинади. Айтайлик, Хитойда соат совға қилиш айрилиқ рамзи ҳисобланса, Америкада илк бора танишган инсонига ширинлик совға қилиш яхшилик аломати, деб баҳоланади. Шарқ давлатларида ҳадя этилган совғани кишилар олдида очиб таҳлил қилиниши одобсизлик саналса, Ғарб мамлакатларида мутлақо бунинг аксини кўриш мумкин.

Оиладаги ижтимоий муҳит вояга етаётган болаларга истаймизми-йўқми, ўз таъсирини ўтказади ва бу болаларнинг характер-темпераментида намоён бўлади. Баъзи болалар одамови, ичимдагини топ бўлишса, баъзилари қувноқ, серҳаракатдир. Мутахассислар ота-оналарга бу борада бироз эҳтиёткор бўлиб, болага совға олишда унинг характер ва темпераментини ўрганиб чиқишни маслаҳат беришади.

Айтайлик, болангиз таъсирчан, гўзалликка интилувчан, янги шароитга секин кўникадиган, муносабат билдиришда бир қарорга келиши жуда мушкул, шунингдек, тез тушкунликка тушишга мойил бўлса, у меланхолик туркумдаги бола ҳисобланади. Одатда, улар учун совға танлаш кўп ҳам қийинчиликларни юзага келтирмайди. Асосан, оддий, ўзи учун қулай, оч ва тўқ рангли кийимларни ёқтиришади. Ёлғизликни хуш кўришгани сабаб, ҳар хил товуш чиқариб, ҳаракатга келтириладиган ўйинчоқлардан бир четда жим ўтирадиган юмшоқ ўйинчоқларни афзал билишади.

Болангиз гоҳида хушчақчақ, гоҳида сержаҳл, асабий бўлса-ю, шу билан бирга билимларни осон ўзлаштирса, ноодатий, бошқаларга ўхшамаган ғояларини ҳар ерда намоён эта олса, бошлаган ишини охиригача етказишни истайдиган, қатъиятли бўлса, у лидерлик қобилиятига эгадир. Бундай бола холерик темпераментига хос болалар туркумига киради.

Бу каби болалар, аввало, бошқаларникига ўхшамаган эртак кечалар уюштиришингизни, ўзлари эса бу кечанинг қироли ёки қироличасига айланишни исташади. Бундай типдаги болаларга совға танлашда ҳар қандай вазиятда ҳам кутилмаган, антиқа бўлишига эътибор қаратинг.

Болангиз вазмин, босиқ, ўз ҳис-ҳаяжонларини жиловлашни яхши билса, ёлғиз қолганида ҳам ўзи учун ҳар доим қизиқарли машғулотлар топса, кийиниш борасида бироз талабчан бўлса, билингки, у сангвиник темперамент эгаси. Уларга совға танлашда, фақат ўйинчоғ-у кийимлар билан чегараланиб қолмаган маъқул. Бу характер эгаларига устки қисми ажойиб таассуротлар уйғотадиган, ёрқин ранглар билан безатилган эртак китоблар, синовдан ўтган мултфилмлар ёзилган ДВД дискларни ҳадя қилган маъқулроқ.

Болангиз вазмин, анча-мунчага пинагини бузмайдиган, нутқи бийрон бўлиб, одатий асаббузарликлар, муваффақиятсизликлар унинг асаб тизимига салбий таъсир этмайдиган бўлса, — кумуш ранг, оқ, яшил, қора рангли буюмларни танланг. Бу хусусияти билан у флегматик туркуми болаларига хосдир.

Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, олган совғангиз ёки олмоқчи бўлган совғангизнинг тури ҳақида оз бўлсада олдиндан кўникма тайёрлаб борган маъқул. Чунки бу каби болалар ғойибдан келган бахтга бироз довдираб қолишлари мумкин.

Болаларнинг аксарияти ҳар бир юмушни ҳеч бўлмаганда тадқиқот сифатида ўзи бажаришни хоҳлайди. Совға танлаш борасида эса кўпинча ота-оналари фикрини инобатга олмасликка интилишади. Боланинг кучи етмайдиган ишни сен бундай қилолмайсан, мен ўзим қилиб бераман, қабилида иш тутиш уларга умуман ёқмайди.

Бир ёшли болаларга туғилган кунида бўйи ўзиникидан анча баландроқ юмшоқ ўйинчоқ совға қилгандан кўра, ёшига мос шиқилдоқ, саккиз-тўққиз ёшли ўқувчиларга баҳоси фалон пулни ташкил этадиган чет эл ўйинчоғидан кўра, даражасига мос китоб совға қилган маъқулдир.

Оилада, фарзандлар ўртасида ижтимоий табақалашувнинг муносабатга келишида танланган совғаларнинг ўрни борлигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Одатда, ота-оналар фарзандларига совға танлаётганларида бир хилликка интилишади (барча болаларига бир хил рангдаги кийим ёки бир хил турдаги ўйинчоқ харид қилишни афзал билишади). Аммо ҳар бир боланинг феъл-атвори, ўй-фикрлари турличадир, буни унутмаслик керак. Яна бир гуруҳ ота-оналар эса турли хилдаги совғалар олиш баробарида кичкина камчиликларни назардан қочириб, ўзлари сезмаган ҳолда фарзандлари ўртасида табақалашувни юзага келтиришади. Айтайлик, оталари учун севимли бўлган кенжа қизалоқ энг яхши совғага муносиб, оиладаги оғир юмушларни бўйнига олган, ота-онасининг сўзидан чиқмайдиган, индамас ўғилга ҳар қандай совға бўлаверади. Бу тартибда иш кўриш жуда аянчли. Ота-онасининг беписанд ҳадяси бола кўнглида туғишганларига нисбатан кўринмас ички адоват, киши билмас салбий туйғуларнинг ниш отишига сабаб бўлиб, натижада, бола ўзини четда қолаётгандек ҳис қилиб, жамоага киришувчанлик ҳисси ривожланмай қолиб кетиши, ўзини бошқалар нигоҳидан қочишга ҳаракат қилаётгандек тутиши ҳам мумкин.

Баъзи мутахассислар болаларни дўконларга олиб боришни, ўз майлларига қўйиб хоҳлаган кийиминг ёки буюмингни танла, дейишни қатъий қоралашади. Бу болаларда ўз менини, қолаверса, бадиий диди шаклланмасдан қолиб кетишига замин яратмасмикан?

Бу борада психолог Лайло Шодиеванинг сўзларига қулоқ тутамиз:

— Аввало, катталар болага қандай совға танлашларидан қатъи назар, кичкинтой ҳар дақиқада уларнинг меҳрини ҳис қилиб туриши зарур. Совғанинг катта-кичиги бўлмайди, айниқса, яқин меҳрибонлари томонидан қилинган совға муҳим аҳамиятга эга эканлигига болаларда ёшлигидан кўникма ҳосил қилиш керак. Совға танлаётганда, албатта, боланинг хоҳиш-истакларини ҳам эътиборга олишни тавсия этамиз. Кўпинча, болада совға тақдим этилган куни эмас, балки орадан бир-икки кун ўтгандан сўнг ўринсиз хархаша пайдо бўлади. Бунинг сабабини билолмай хунобимиз ошади. Шунда уларга танбеҳ бериб, тергашга тушамиз. Аммо биз ота-оналар ўзимиз истамаган ҳолда, болаларимизнинг совғаларини тўғри тақсимлай олмай, ака-укалар ўртасидаги кўринмас адоватнинг туғилишига сабаб бўлаётганимизни тўғри англашимиз зарур.



Қадимдан Шарқ халқларида бола туғилганда кўрмана сифатида тилла совға қилишади. Бу боланинг ёшига ёш қўшилган сари совғаларнинг сони ҳам ортиши натижасида унда таъмагирлик аломатлари пайдо бўлишига сабаб бўлмасмикан?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, болаларга совға танлашда ёшнинг даврийлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Айниқса, ўсмир ёшдаги болаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиш, ота-оналар улар танлаган совғага тазйиқ ўтказиб, қарши фикр билдирмаганлари маъқул.

Одатда, маълум ёшгача оиланинг иқтисодий аҳволи тўғрисида болаларга ахборот бериш тақиқланади, аммо болалар бундай вазиятларда ўртоқларининг совғаларини ўзлариникидан устун қўйиб, ота-оналарига нисбатан салбий хулосаларни кечириш вазиятлари ҳам юзага кела бошлайди.

Фарзандингизга ҳеч қачон қимматбаҳо буюмларни харид қилишга шошилманг. Иқтисодий имкониятлар билан бир қаторда, бола соғлигига хизмат қилувчи унсурларни ҳам ёддан чиқарманг. Шунингдек, боланинг ички имкониятларини ҳам эътиборга олинг. Айтайлик, ўжар, қайсар болаларга қизил рангли кийим, тажовузкорлик руҳини берувчи, ноодатий характерга эга, ўз хаёлий дунёси бор болаларга эса романтик кайфиятни уйғотувчи ранглардан ташкил топган ўйинчоқлар тавсия қилинмайди.

Шунингдек, мутахассислар, боласининг камчиликларидан кўнгли тўлмаётган ота-оналарга интеллектуал салоҳиятига ёрдам бўладиган совғаларни рағбат тариқасида тақдим этишни маслаҳат беришади. Ташқи кўринишининг тўлалигидан бироз хижолат чекадиган фарзандингизга жонли уй ҳайвонларидан бирини совға қилинг. Болангиз у билан биргаликда ҳаракат қилишга ёки жисмоний меҳнатнинг имкониятлари орқали ҳам ўртоқлари олдида маълум муваффақиятларга эришишига замин яратасиз.

Ота-она фарзандига фақат яхшилик тилайди. Аммо боламизга совға ҳадя этарканмиз, у мажбуриятга йўғрилмаслиги, ҳар бир ҳадямизнинг ортида меҳр булоғи борлигини улар ҳис қилсин. Зеро, фарзандимизга қилган совғамиз унинг маънавий дунёсини шакллантиришини ҳам унутмаслигимиз даркор.

**Навбаҳор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -00.17
Topshirildi -02.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —911 | 13512 nusxada bosildi | 1 2 1 5